



129

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод қо'рғ'они.  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабод, Самарқандского района, Самарқандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

015 у.г. «31» декабр

№ 1860-к

Самарқанд туман «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Конибил агротехсервис» агрофирмаси худудидан «Зарафшон ноз-нематлари» фермер хўжалигига музлатгич омборхонаси, блок ишлаб чиқариш цехи ва маъмурий бино қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа объектлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа қидирув институтининг баёни, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 25 декабрдаги 2156 сонли хулосаси ва «Зарафшон ноз-нематлари» фермер хўжалигининг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи ва ер участкаларидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Конибил агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 331 контуридан «Зарафшон ноз-нематлари» фермер хўжалигига музлатгич омборхонаси, блок ишлаб чиқариш цехи ва маъмурий бино қуриш учун жами 0,62 га ер участкадан (ҳудуд: 0,62 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. «Зарафшон ноз-нематлари» фермер хўжалигига музлатгич омборхонаси, блок ишлаб чиқариш цехи ва маъмурий бино бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. ва ҳисоб смена ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат комиссияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва солиқнинг 1 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансида ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га юклатилсин.
5. «Зарафшон ноз-нематлари» фермер хўжалиги томонидан «Ер кодекси»нинг 23-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ва туман ҳокимлиги раҳбарларининг қўли билан имзолансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров